



ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШГА МОЙИЛ ШАХСЛАРНИНГ КРИМИНОЛОГИК ҚИЁФАСИНИ ЎРГАНИШДА МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ РОЛИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20172555>

Хайитов Фаррух Шерматович

*Қашқадарё вилояти Жиноят ишлари бўйича Шахрисабз шаҳар судининг судья
ёрдамчиси*

Аннотация: *Ушбу мақолада жиноят содир этишига мойил шахсларнинг криминологик қиёфасини шакллантирувчи ижтимоий, психологик ва ҳуқуқий омилларни ўрганишда маҳалла институтининг роли таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан шахснинг девиант хулқ-атворини маҳаллабай ўрганиш механизмлари, “маҳалла еттилиги” тизимининг профилактик имкониятлари ва жиноятчиликнинг олдини олишда ижтимоий муҳитнинг таъсири ёритилган. Мақола якунида маҳалла даражасида шахснинг криминологик портретини диагностика қилиш ва ижтимоий реабилитация жараёнларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар берилган.*

Калит сўзлар: *маҳалла институти, криминологик қиёфа, шахс портрети, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, “маҳаллабай” ишлаш, девиант хулқ-атвор, ижтимоий муҳит, жиноятчилик детерминантлари.*

Аннотация: *В данной статье анализируется роль института махалли в изучении социальных, психологических и правовых факторов, формирующих криминологический облик лиц, склонных к совершению преступлений. Автором освещены механизмы изучения девиантного поведения личности на уровне махалли, профилактические возможности системы «махаллинской семерки» и влияние социальной среды на предупреждение преступности. В завершении статьи представлены научные предложения, направленные на диагностику криминологического портрета личности и совершенствование процессов социальной реабилитации на уровне махалли.*

Ключевые слова: *институт махалли, криминологический облик, портрет личности, профилактика правонарушений, система «махаллабай», девиантное поведение, социальная среда, детерминанты преступности.*

Abstract: *This article analyzes the role of the mahalla institution in studying the social, psychological, and legal factors that form the criminological profile of individuals*



prone to committing crimes. The author highlights the mechanisms for studying deviant behavior at the mahalla level, the preventive capabilities of the “mahalla seven” system, and the influence of the social environment on crime prevention. The article concludes with scientific proposals aimed at diagnosing the criminological portrait of an individual and improving social rehabilitation processes at the local community level.

Keywords: *mahalla institution, criminological profile, personality portrait, crime prevention, “mahallabay” system, deviant behavior, social environment, determinants of crime.*

Замонавий криминология фанида жиноятчиликка қарши курашиш стратегияси фақатгина жазонинг муқаррарлигини таъминлаш ёки ретрибутив адолат тамойилларига таяниш билан чекланиб қолмаслиги керак. Зеро, жиноят содир этилгандан кейинги репрессив таъсир чоралари ижтимоий муносабатларни маълум маънода тикласа-да, жиноий хулқ-атворнинг асл детерминантларини — унинг келиб чиқиш сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишда етарли самара бермайди. Шу боис, бугунги кунда асосий эътибор жиноий фаолиятнинг ижтимоий-психологик илдизларини тизимли таҳлил қилишга ҳамда шахснинг жиноий йўлга киришига сабаб бўлувчи экзоген ва эндоген омилларни барвақт аниқлашга қаратилмоқда.

Ушбу жараёнда маҳалла институти шахс, оила ва давлат ўртасидаги узвий боғловчи бўғин сифатида намоён бўлади. Маҳалла — жиноят омилларини макроиктисодий ёки умумдавлат миқёсида эмас, балки микро-муҳитда, яъни аниқ бир индивиднинг турмуш тарзи, оилавий

шароити ва ижтимоий алоқалари доирасида ўрганиш имконини берувчи ноёб ижтимоий тузилмадир. Айниқса, мамлакатимизда кечаётган кенг кўламли ислоҳотлар доирасида “Хавфсиз маҳалла” тамойилининг ҳаётга татбиқ этилиши, жиноятчиликка қарши курашнинг “жазолаш босқичи”дан “барвақт олдини олиш босқичи”га ўтишда концептуал аҳамият касб этмоқда.

Жиноят содир этувчи шахснинг криминологик тавсифи ва унинг ижтимоий қиёфаси фундаментал криминологиянинг марказий масалаларидан бири бўлиб, бу борада хорижлик ва маҳаллий олимлар томонидан кенг кўламли тадқиқотлар амалга оширилган. Хусусан, жиноят содир этувчи шахснинг криминологик тавсифи фундаментал криминологиянинг марказий масалаларидан бири сифатида Ч. Ломброзонинг антропологик қарашларида¹² ўз аксини топган.

¹² Lombroso C. L'Uomo delinquente. — Milano: Hoepli, 1876. (Ломброзо Ч. Преступный человек).



Бирок, кейинчалик Э. Ферри жиноятчиликни нафақат биологик, балки ижтимоий ва жисмоний омилларнинг маҳсули сифатида талқин қилган¹³.

Социологик мактаб вакилларидан Э. Дюркгейм жиноятни ижтимоий нормаларнинг бузилиши ва аномия ҳолати билан боғлаб тушунтирган. Унинг издоши Р. Мертон¹⁴ эса шахснинг жиноий йўлга киришини жамиятдаги мақсадлар ва унга эришиш воситалари ўртасидаги номуаносиблик сифатида асослаб берган.

МДХ давлатлари ва миллий криминология мактаби вакиллари шахснинг криминологик қиёфасини нафақат статистик белгилар мажмуи, балки динамик ижтимоий-психологик тизим сифатида тадқиқ этганлар. Бу борада Ю.М. Антонян, В.Н. Кудрявцев ва И.И. Карпец¹⁵ каби етакчи

олимларнинг илмий изланишлари фундаментал аҳамиятга эга бўлиб, улар асосий эътиборни шахснинг психологик деформациялари ва деструктив ижтимоий установакаларининг шаклланиш механизмларига қаратганлар.

Ю.М. Антонян ўз тадқиқотларида жиноий хулқ-атворнинг ички психологик сабабларини, хусусан, шахснинг ўзини англашидаги зиддиятлар ва бегоналашув ҳолатларини чуқур таҳлил қилган. Унинг фикрича, жиноят содир этишга мойил шахснинг қиёфаси кўпинча болалиқдан шаклланган психологик жароҳатлар ва ижтимоий муҳитдан узилиш натижасида юзага келади. В.Н. Кудрявцев эса жиноий хулқ-атворни “ижтимоий детерминация” назарияси асосида ўрганиб, шахснинг қарор қабул қилиш жараёнида ижтимоий институтларнинг (оила, мактаб, маҳалла) таъсири ҳал қилувчи эканлигини асослаб берган. Олимнинг таъкидлашича, ижтимоий институтларнинг деградацияси шахснинг ҳуқуқий онгида бўшлиқларни келтириб чиқаради, бу эса ўз навбатида жиноий установакаларнинг мустаҳкамланишига замин яратади.

И.И. Карпец жиноятчиликни ижтимоий ҳодиса сифатида талқин

13 Ломброзо Ч., Ферреро Г. Женщина преступница и проститутка. — Ставрополь: Сервисшкола, 2004. — 210 с., Ferri E. Sociologia criminale. — Torino: Bocca, 1884. (Ферри Э. Уголовная социология).

14 Merton R. K. Social Theory and Social Structure. — New York: Free Press, 1949. (Мертон Р. Социальная теория и социальная структура).

15 Кудрявцев В. Н. Генезис преступления. Опыт криминологического моделирования. — М.: Форум, 1998. — 216 с., Антонян Ю. М. Психология преступника и расследования преступлений. — М.: Юристъ, 1996. — 336 с., Кудрявцев В. Н. Причины правонарушений. —

М.: Наука, 1976. — 286 с., Карпец И. И. Преступность: иллюзии и реальность. — М.: Российское право, 1992. — 432 с.



қилиб, шахс қиёфасини унинг микро-муҳитидаги зиддиятлар — яъни индивид бевосита алоқада бўладиган кичик ижтимоий гуруҳлардаги носоғлом муҳит маҳсули сифатида баҳолаган. Ушбу олимларнинг умумий хулосасига кўра, шахснинг жиноий қиёфаси ижтимоий назорат механизмларининг кучсизланиши ва шахснинг микро-ижтимоий соҳадаги дезадаптацияси оқибатида юзага келувчи мураккаб феномендир. Бу эса ўз навбатида, маҳалла институти каби микро-ижтимоий тузилмаларнинг шахсни ижтимоийлаштиришдаги ролини илмий жиҳатдан қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

Ўзбекистонлик ҳуқуқшунос ва криминолог олимларнинг илмий изланишларида маҳалла институти жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг фундаментал платформаси сифатида талқин қилинади. Ушбу мавзунинг миллий қонунчилик ва ижтимоий воқелик доирасидаги таҳлили М.Ҳ. Рустамбаев, И. Исмоилов, Ж.С. Ташқулов, Қ.Р. Абдурасулова ва М.А. Ражабова¹⁶

16 Абдурасулова Қ. Р. Криминология:

Дарслик. — Т.: ТДЮИ, 2007. — 240 б.,

Абдурасулова Қ. Р. Аёллар жиноятчилигининг криминологик тавсифи ва профилактикаси. — Т.: ТДЮИ, 2006., Исмоилов И.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси: Дарслик.

— Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ

Академияси, 2013. — 320 б., Рустамбаев М. Ҳ.

Криминология: Дарслик. — Т.: ТДЮУ, 2018. —

350 б., ⁴ Ражабова М. А. Вояга етмаганлар

каби олимларнинг асарларида янгича мазмун билан бойитилган.

Хусусан, профессор Қ.Р. Абдурасулова ўз тадқиқотларида шахснинг криминологик қиёфасини шакллантирувчи омиллар ичида ижтимоий муҳитнинг детерминантлик ролини алоҳида қайд этади. Олиманинг таъкидлашича, вояга етмаганлар ва аёллар жиноятчилигининг динамикаси бевосита оилавий ва маҳаллий муҳитдаги микро-инқирозларга боғлиқдир. Унинг фикрича, маҳалла институтидаги назоратнинг сусайиши ва оилавий кадриятларнинг емирилиши шахснинг жиноий йўлга киришида ўзига хос «катализатор» вазифасини ўтайди.

Шу билан бирга, профессор И. Исмоилов ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг назарий-ҳуқуқий асосларини яратишда маҳалла институтини жамоатчилик назоратининг энг самарали институционал воситаси сифатида баҳолайди. Унинг илмий қарашларида маҳалланинг ижтимоий профилактикадаги ўрни шахсни ижтимоийлаштириш ва унинг девиант

жиноятчилигининг олдини олишда

маҳалланинг роли: Юрид. фан. бўйича

фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. — Т.,

2021. — 24 б., Ташқулов Ж. С.

Жиноятчиликнинг олдини олишда ижтимоий

назоратнинг ўрни. // Ўзбекистон

Республикаси ИИВ Академияси

ахборотномаси. 2022. №3. — 12–18 б.



хулқ-атворини жамоатчилик таъсири орқали коррекция қилиш билан изоҳланади. Профессор М.Ҳ. Рустамбаев эса криминология ва жиноят ҳуқуқи доирасида маҳалланинг ролини жиноят содир этилишига замин яратувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этувчи муҳим бўғин сифатида асослаб берган.

Бироқ, сўнгги йиллардаги ислохотлар натижасида жорий этилган «маҳалла етилиги» тизими (маҳалла раиси, профилактика инспектори, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ва б.) ва жиноятчиликларни жиловлашнинг «рақамли» форматга ўтиши шароитида шахснинг криминологик кифасини «маҳаллабай» ўрганиш масалалари янгича методологик ёндашувларни талаб этмоқда. Маҳалла даражасидаги ижтимоий диагностика ва профилактиканинг рақамли технологиялар билан интеграциялашуви ҳали комплекс тарзда илмий тадқиқ этилмаган. Бу эса маҳалла институтининг жиноят содир этишга мойил шахслар билан ишлашдаги имкониятларини замонавий концепциялар асосида қайта баҳолашни ҳамда соҳанинг назарий ва амалий долзарблигини юксалтиришни тақозо этади.

Хулоса қилиб айтганда, маҳалла муҳитида шахснинг криминологик кифасини илмий асосланган методология асосида ўрганиш, нафақат содир этилиши мумкин бўлган

жиноятларни жиловлаш, балки жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва ижтимоий барқарорликни таъминлашнинг фундаментал омили бўлиб хизмат қилади. Маҳалла институтининг бу борадаги салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш ва жиноят содир этишга мойил шахслар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида куйидаги таклиф ва тавсияларни илгари суриш мақсадга мувофиқ:

1. “Рақамли криминологик диагностика” тизимини жорий этиш. Маҳаллалардаги “етилик” тизими вакиллари учун маҳаллабай ишлаш доирасида хавф гуруҳига кирувчи шахсларнинг электрон ижтимоий-психологик портретини юритиш методикасини ишлаб чиқиш лозим. Бунда шахснинг ишсизлик даражаси, оилавий низолари ва девиант хулқ-атворга мойиллиги каби индикаторлар асосида “криминологик хавф харитаси”ни шакллантириш ва бу маълумотларни профилактика инспекторининг иш фаолиятига интеграция қилиш зарур.

2. Виктимологик профилактикани маҳалла муҳитида кучайтириш. Жиноят содир этишга мойил шахсларни ўрганиш билан бир қаторда, жиноят қурбони бўлиш эҳтимоли юқори бўлган шахслар: ёлғиз кексалар, нотинч оила фарзандлари билан ишлашнинг “Маҳалла виктимологик назорати” механизмини



яратиш. Бу жиноятнинг объектив ва субъектив омиллари занжирини маҳалла даражасида узиш имконини беради.

3. “Маҳалла психологи” институтини профессионаллаштириш. Жиноят содир этишга мойил шахсларнинг ахлоқий-психологик деформацияларини коррекция қилиш мақсадида маҳаллаларда фаолият юритаётган мутахассисларнинг (хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси) криминопсихология бўйича малакасини тизимли ошириш. Шахснинг қиёфасидаги салбий ўзгаришларни “илк аломатлар” босқичида аниқлаш учун махсус психологик тест ва суҳбат методикаларини маҳаллийлаштириш.

4. Жамоатчилик таъсири механизмларини ҳуқуқий тартибга солиш. Маҳалла йиғинлари қошидаги “Яраштириш комиссиялари” ва “Ота-оналар университетлари” фаолиятини фақат маъмурий таъсир воситаси эмас, балки шахснинг ижтимоий ҳолатларини ўзгартирувчи “ижтимоий терапия” марказига айлантириш. Бунда

ахлоқ тузатиш ва ижтимоий реабилитация жараёнига маҳалланинг обрўли вакиллари ва зиёлиларини янада фаол жалб этишнинг ҳуқуқий асосларини кенгайтириш лозим.

5. Маҳаллабай бандлик ва ижтимоий мослаштириш дастурларини мақсадли йўналтириш. Криминологик қиёфаси таҳлил қилинган ва жиноятга мойиллиги аниқланган шахслар учун маҳалла ҳудудидаги тадбиркорлик субъектларида бўш иш ўринларини яратиш ва уларни касбга қайта тайёрлашнинг манзилли тизимини йўлга қўйиш. Зотан, иқтисодий бандлик шахснинг ижтимоий дезадаптациясини бартараф этувчи энг самарали профилактик чора ҳисобланади.

Хуллас, маҳалла институтини шахснинг криминологик қиёфасини диагностика қилувчи ва коррекцияловчи илмий-амалий марказга айлантириш — жамиятда жиноятчиликка нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришнинг энг мақбул йўлидир.